ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 342 «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қутқарувчиларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режимини белгилаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар уч ой муддатда:

тегишли аттестация комиссияларини тузсинлар ва уларнинг фаолиятини ташкил этсинлар;

ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар қутқарув хизматларига ва қутқарув тузилмаларига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажаришда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 9 июль,
184-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 9 июлдаги 184-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қутқарув хизматларини, профессионал, штатдан ташқари ва жамоат қутқарув тузилмаларини (кейинги ўринларда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари деб аталади) ҳамда қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тегишли аттестация комиссияларининг қарорига кўра, улар тиббий текширувдан, қутқарувчиларни тайёрлаш дастури бўйича ўқишдан ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрларни бажаришгандан кейин, аттестация натижалари асосида қутқарувчи мақомига эга бўладилар.

### II. Аттестациянинг мақсади ва вазифалари

3. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ҳамда фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини амалга оширишга жалб этиладиган қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш уларнинг табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини ўтказишга профессионал тайёрлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Аттестация давомида қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари раҳбарлари ва қутқарувчиларнинг профессионал тайёрлиги даражаси, уларнинг



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



қутқарув воситалари билан жиҳозланганлиги ва қутқарув ишларини бажаришга тайёрлиги даражаси мажбурий тартибда текширилади. Аттестация натижалари бўйича қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқига тегишли ҳужжатлар берилади.

4. Қуйидагилар аттестациянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини бажаришга жалб этишга амалий жиҳатдан тайёрлиги ва имконияти даражасини текшириш;

қутқарувчиларнинг билимлари даражасини, профессионал лаёқатини, жисмоний, руҳий, маънавий тайёрланганлигини ва соғлиғининг ҳолатини текшириш;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг улар томонидан белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун техника, зарур мол-мулк ва асбоб-анжомлар билан жиҳозланганлиги даражасини текшириш.

## III. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш органлари

5. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш учун доимий ишлайдиган идоралараро, идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари ташкил этилади.

Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этиш Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича идоралараро аттестация комиссиясига (кейинги ўринларда Идоралараро аттестация комиссияси деб аталади), ўз таркибида қутқарув хизматларига, қутқарув тузилмаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг идоравий аттестация комиссияларига (кейинги ўринларда идоравий аттестация комиссиялари деб аталади), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссияларига (кейинги ўринларда ҳудудий аттестация комиссиялари деб аталади) юкланади.

6. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича Идоралараро аттестация комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, унга лавозимига кўра манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларнинг ва ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ бошқа ташкилотларнинг вакиллари кирадилар.

7. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича идоравий аттестация комиссияларининг таркиби Идоралараро аттестация комиссияси билан келишиб, уларга ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ҳисоб рақамлари берилган ҳолда тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



8. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича ҳудудий аттестация комиссияларининг таркиби Идоралараро аттестация комиссияси билан келишиб, уларга ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тегишли ҳисоб рақамлари берилган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

## IV. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича идоралараро аттестация комиссияси

9. Идоралараро аттестация комиссияси қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

10. Идоралараро аттестация комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш;

вазирликлар, идоралар ва қутқарув хизматларига, қутқарув тузилмаларига эга бўлган бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган қутқарувчиларни дастлабки тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

қутқарув хизматларига, қутқарув тузилмаларига ва қутқарувчиларга қўйиладиган асосий малака талаблари ва мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар тўғрисидаги ахборотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда аттестация тизимини такомиллаштириш, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг функционал мажбуриятлари бўйича ҳаракатланиш, уларнинг техник жиҳозланганлигини ва касбий тайёргарлигини ошириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

идоравий аттестация комиссиялари тузиладиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган режага мувофиқ идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари фаолиятини, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ҳамда уларни бартараф этиш ишларини амалга оширишни текшириш;

қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг бошланғич, даврий аттестациясининг қониқарсиз якунлари бўйича навбат-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



дан ташқари аттестациясини ўтказиш, шунингдек қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини текширувдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари доимий жойлашган жойларга монеликсиз кириш. Режимли объектларга кириш ҳамда давлат сирларидан иборат бўлган материаллардан ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлардан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Идоралараро аттестация комиссияси зиммасига қуйидагилар юкланади:

а) қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган режага мувофиқ идоравий ва ҳудудий аттестация комиссияларининг, шунингдек қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари фаолиятини текширувдан ўтказиш;

в) идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари иш режаларини тасдиқлаш;

г) вазирликлар, идоралар ва қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмаларига эга бўлган бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган қутқарувчиларни тайёрлаш дастурларини келишиш;

д) тасдиқланган малака даражаси асосида аттестация ўтказиш:

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳаракат қиладиган республика даражасидаги қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарувчилар тузилмаларини ва уларнинг раҳбарлари таркибини;

«Халқаро тоифадаги қутқарувчи» тоифа даражасини беришга тавсия этилаётган қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш.

12. Идоралараро аттестация комиссиясининг раиси, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Идоралараро аттестация комиссиясининг мавжуд таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

13. Махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни холисона ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан Идоралараро аттестация комиссияси тақдимномасига кўра вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва олимларидан иборат эксперт гуруҳи ташкил этилиши мумкин.

## V. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларини аттестациядан ўтказиш бўйича идоравий аттестация комиссиялари

14. Таркибида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари мавжуд



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



бўлган вазирликларда, идораларда ҳамда ташкилотларда идоравий аттестация комиссиялари ташкил этилади.

15. Қутқарув хизматига ва қутқарув тузилмаларига мутасаддилик қилувчи вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарининг ўринбосари идоравий аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

16. Идоравий аттестация комиссиялари қуйидагиларни аттестациядан ўтказади:

идоравий қутқарув хизматларини;

штатдаги ва штатдан ташқари қутқарув тузилмаларини (вазирлик, идора, ташкилотлар соҳа йўналиши бўйича);

қутқарув тузилмаларининг штатдаги ва штатдан ташқари қутқарувчиларини (вазирлик, идора, ташкилотлар соҳа йўналиши бўйича).

17. Идоравий аттестация комиссиялари, ички идоравий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, идоравий қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайдилар.

18. Идоравий аттестация комиссиялари Идоралараро аттестация комиссиясига ҳисобот берадилар.

19. Идоравий аттестация комиссиялари Идоралараро аттестация комиссиясига аттестация маълумотлари ва материалларини белгиланган тартибда тақдим этадилар.

## VI. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларини аттестациядан ўтказиш бўйича ҳудудий аттестация комиссиялари

20. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳудудий аттестация комиссиялари ташкил этилади.

21. Ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқарма бошлиғи ҳудудий аттестация комиссиясининг раиси этиб тайинланади.

22. Ҳудудий аттестация комиссиялари қуйидагиларни аттестациядан ўтказади:

ҳудудий даражадаги қутқарув хизматларини, штатдаги ва штатдан ташқари қутқарув тузилмаларини;

ҳудудий даражадаги жамоат қутқарув тузилмаларини;

ҳудудий даражадаги қутқарув хизматларининг, штатдаги, штатдан ташқари ва жамоат қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларини, шунингдек қутқарув тузилмалари таркибига кирмайдиган қутқарувчиларни.

23. Ҳудудий аттестация комиссиялари, зарурат бўлганда, ўз ҳудудларида идоравий ва ҳудудий қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш масаласи бўйича идоравий аттестация комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



24. Ҳудудий аттестация комиссиялари Идоралараро аттестация комиссиясига ҳисобот берадилар.

25. Ҳудудий аттестация комиссиялари Идоралараро аттестация комиссиясига аттестация маълумотлари ва материалларини белгиланган тартибда берадилар.

## VII. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш

26. Аттестация, аттестация комиссияси томонидан ўтказилади:

бошланғич ва даврий аттестация — қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари муассислари (қатнашчилари) ва раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган материаллар асосида навбатдаги йил учун тегишли аттестация комиссиялари томонидан ишлаб чиқиладиган режалар ва жадваллар бўйича;

навбатдан ташқари аттестация — қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқи учун гувоҳномада кўрсатилган бажариладиган қутқарув ишларининг тури ўзгарган тақдирда, шунингдек тегишли аттестация комиссиясининг қарорига кўра, бошланғич, даврий аттестацияда ўтказиладиган ўқув машғулотларининг қониқарсиз натижалари бўйича ҳамда ваколатли шахслар ёки комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар чоғида қутқарув хизматларига, қутқарув тузилмаларига ва қутқарувчиларга қўйиладиган талабларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда.

27. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни идоравий ва ҳудудий аттестация комиссиялари томонидан биргаликда аттестациядан ўтказишга йўл қўйилади. Бу ҳолда ҳужжатларни расмийлаштириш, тасарруфида қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси, қутқарувчилар бўлган аттестация комиссиясига юкланади.

28. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини жойлашган жойида, шунингдек қутқарувчиларни текшириш ва аттестациядан ўтказиш учун аттестация комиссиясининг аъзоларидан ёки унинг вакилларидан ишчи гуруҳлар тузишга йўл қўйилади, кейинчалик материаллар тасдиқлаш учун аттестация комиссияларига тақдим этилади.

29. Қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш аттестация комиссияси томонидан амалга оширилади ва ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича баённома билан расмийлаштирилади.

30. Аттестация комиссияси томонидан кўриб чиқилган материаллар ва қутқарув хизматини ёки қутқарув тузилмасини текшириш асосида ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича аттестация далолатномасини тузади, қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси муассислари (қатнашчилари)ни ва раҳбарларини далолатнома билан таништиради.

31. Мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини бажариш бўйича уларга юклатилган функцияларни бажаришга қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасининг имкониятлари тўғрисидаги хулосани расмийлаштирилган ҳолда, тегишли аттестация комиссиясининг раиси томонидан далолатнома тасдиқланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



32. Аттестация якунлари очиқ овоз бериш йўли билан аниқланади. Қарор аттестация комиссияси мажлисида иштирок этган аттестация комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

33. Аттестация комиссиясининг қарори мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади. Аттестация натижалари ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шакл бўйича тегишли аттестация комиссияларининг қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказишни ҳисобга олиш дафтарига ёзилади.

34. Аттестация якунлари тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига, хизмат кўрсатилаётган объектнинг раҳбариятига ва юқори аттестация комиссиясига етказилади.

35. Қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси аттестациядан ўтказилгандан сўнг аттестацияни ўтказган комиссия Идоралараро аттестация комиссиясига аттестация далолатномасини, ҳисобга олиш дафтаридан кўчирмани, шунингдек ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шакл бўйича қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси паспортини юборади.

Қутқарувчилар аттестациядан ўтказилгандан сўнг аттестацияни ўтказган комиссия Фавқулодда вазиятлар вазирлигига аттестация далолатномасини юборади.

36. Идоралараро аттестация комиссияси ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шакл бўйича фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани расмийлаштиради. Расмийлаштирилган гувоҳнома тегишли аттестация комиссиясига юборилади, у гувоҳноманинг асл нусхасини аттестациядан ўтказилган қутқарув хизматига, қутқарув тузилмасига тақдим этади. Гувоҳнома, аттестация далолатномаси ва қутқарув хизмати ҳамда қутқарув тузилмасининг паспортлари қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари тўғрисидаги маълумотлар базасига киритиш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлигига юборилади.

Қутқарувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни расмийлаштириш аттестация комиссияси томонидан амалга оширилади.

37. Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссиялари томонидан қуйидагилар берилади:

қутқарув хизматларига, қутқарув тузилмаларига — Фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини юритиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома;

қутқарувчиларга — ушбу Низомнинг 10, 11 ва 12-иловаларига мувофиқ шакл бўйича белгиланган намунадаги қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи қутқарувчи гувоҳномаси, қутқарувчи дафтарчаси ва жетони.

38. Қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасини аттестациядан ўтказиш натижалари салбий бўлган тақдирда уларга кўрсатиб ўтилган гувоҳнома берилмайди ва маҳрум қилинади.

39. Қутқарувчи аттестациядан ўтказилишини рад этган тақдирда аттес-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



тация комиссияси баённома тузади, унда рад этиш сабаблари кўрсатилади, қутқарувчининг гувоҳномаси олиб қўйилади ва қутқарувчининг дафтарчасида тегишли ёзув қайд этилади.

40. Фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва қутқарувчилар гувоҳномаси Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳақиқийдир.

41. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини текшириш аттестация комиссиялари томонидан ўз ваколатлари доирасида ёки юқори аттестация комиссиясининг кўрсатмаси бўйича амалга оширилади ва уларнинг иш режаларига киритилади. Аттестация комиссиясининг иш режаси бир йил учун тузилади. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини текшириш натижалари қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари раҳбарларига етказилади, текширувлар натижалари бўйича кўрсатмалар ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

42. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг барча тоифалари мажбурий тартибда аттестациядан ўтадилар.

43. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар бошланғич, даврий ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши лозим.

Янгидан ташкил этилган қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари, шунингдек қутқарувчи бўлишга қарор қилган фуқаролар бошланғич аттестациядан ўтишлари зарур.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг даврий аттестацияси ҳар 5 йилда бир маротаба ўтказилади.

Қутқарувчиларнинг даврий аттестацияси ҳар 3 йилда бир маротаба ўтказилади.

44. Қуйидагилар аттестациядан ўтишлари зарур:

доимий штатдаги қутқарув хизматлари, профессионал қутқарув тузилмалари;

штатдан ташқари ва жамоат қутқарув тузилмалари;

қутқарув хизматлари, профессионал, штатдан ташқари, жамоат қутқарув тузилмаларининг таркибига кирадиган қутқарувчилар, шунингдек қутқарув тузилмалари таркибига кирмайдиган қутқарувчилар.

45. Аттестация қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича ушбу Низомда белгиланган малакавий талабларга мувофиқ ўтказилади.

## VIII. Қутқарув хизматларига ва қутқарув тузилмаларига қўйиладиган талаблар

46. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари уларнинг муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланадиган ташкилий-штат тузилмасига мувофиқ бўлишлари керак.

47. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари аттестацияга қутқарувчиларнинг ярмидан кўпи (55%) қутқарув хизматининг, қутқарув



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



тузилмасининг тегишли соҳаси бўйича қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқи учун аттестациядан ўтказилган тақдирда қўйилади.

48. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлайдиган табель техникалари ва транспорт воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт. Жиҳозлаш табели Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг маҳаллий ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари муассиси (қатнашчиси)нинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади.

49. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари навбатчиликни таъминлайдиган хонага ва асбоб-ускуналарга, хизмат кўрсатиладиган объектлар ва бошқарув органлари билан ишончли алоқага, шахсий таркибни хабардор қилиш тизимига, транспортни жойлаштириш жойларига, мол-мулк учун хонага ҳамда моддий воситаларнинг зарур миқдордаги захирасига эга бўлишлари керак.

50. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари умуман қутқарувчилар ва қутқарув хизмати, қутқарув тузилмасининг тегишли тайёргарлик даражасини таъминлаш учун зарур бўлган тайёргарликнинг барча турларини ўтказишга имкон берадиган ўқув-машғулот базаси билан таъминланган бўлишлари шарт. Қутқарувчиларни тайёрлаш учун зарур ўқув-машғулот базаси мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу туманда жойлашган бошқа қутқарувчилар хизматлари, қутқарувчилар тузилмаларининг тегишли соҳадаги ўқув-тренировка базасидан фойдаланишга (уни ижарага олишга) йўл қўйилади.

51. Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари олдиларига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган навбатчи гуруҳ «доимий тайёргарлик» ҳолатида бўлиши шарт.

## IX. Қутқарувчиларга қўйиладиган малака талаблари

52. Қутқарувчилар тиббий кўрикдан ўтганларидан, жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрларни бажарганларидан, ўқув дастури бўйича тайёргарликдан ўтганларидан сўнг аттестация натижаларига кўра тегишли аттестация комиссиясининг қарорига мувофиқ қутқарувчи мақоми берилади.

53. Қутқарув хизматларининг, қутқарув тузилмаларининг тоифа даражасини олиш учун синовдан муваффақиятли ўтган раҳбар ва командир-бошлиқлар таркибидаги шахслар ҳам қутқарувчилар ҳисобланадилар.

54. Профессионал қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари қутқарувчиларига ички идоравий ҳужжатларда назарда тутилган малака талаблари қутқарув хизматининг ҳамда қутқарув тузилмасининг мақсади ва вазифаларига кўра қўйилади, шунингдек ушбу Низомнинг 13-иловасига биноан меъёрларга мувофиқ жисмоний тайёргарлик бўйича талаблар қўйилади.

55. «Қутқарувчи», «III тоифали қутқарувчи», «II тоифали қутқарувчи»,



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



«I тоифали қутқарувчи» ва «Халқаро тоифадаги қутқарувчи» тоифа даражалари кетма-кетлиги бўйича берилади. Ихтисослик бўйича иш стажи бошланғич тайёргарлик ёки қайта тайёргарлик тугалланган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Қутқарувчилик иш стажига эга бўлмаган, лекин етарли даражада амалий тажрибага эга бўлган ҳамда ўзларига юкланган лавозим вазифаларини сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажараётган шахсларга, истисно тариқасида, аттестация комиссияси қарори бўйича «III тоифали қутқарувчи» даражаси берилиши мумкин.

56. Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва маҳоратни текшириш қутқарувчиларни тайёрлашнинг тегишли дастурлари (соҳа бўйича) доирасида амалга оширилади.

57. Агар қутқарувчи қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси ишларини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзлаштирган бўлса ва бажариладиган хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзи билиши керак бўлган масалаларга тўғри жавоблар берса, амалий ва бошланғич вазифаларни тўғри ҳал қила олса, шунингдек махсус авария-қутқарув техникаси ва анжомлари билан ишлай олса унинг назарий ва амалий билимлари етарли деб ҳисобланади.

58. Тайёргарлик турларидан биттаси бўйича қониқарсиз баҳо олган қутқарувчилар кейинги синовларга қўйилмайди. Ушбу шахсларни тоифа даражаси берилиши учун такрорий имтиҳон топширишга камида олти ойдан сўнг қўйилиши мумкин.

59. Ҳар бир қутқарувчи бўйича тоифа даражасини бериш юзасидан синовлар натижалари (тасдиғи) далолатномада акс эттирилади, далолатнома аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади, унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этилади.

Аттестация комиссиясининг далолатномаси асосида тегишли раҳбарлар томонидан тоифа даражасини бериш (тасдиқлаш, пасайтириш) ва қутқарувчининг лавозим маошига тегишли қўшимча устама тўғрисида буйруқ чиқарилади.

60. Узрли сабаблар (таътил, хизмат сафари, касаллик) бўйича тоифа малакаларини белгиланган муддатларда тасдиқлай олмаган қутқарувчилар хизматга чиққандан кейин уч ой мобайнида синовларни топшириш ҳуқуқига эга. Қутқарувчига тоифа малакасини бериш (тасдиқлаш, пасайтириш) тўғрисидаги далолатнома имзоланган кун қутқарувчига тоифа даражаси берилган (тасдиқланган, пасайтирилган) сана ҳисобланади.

61. Тоифа даражаси берилган қутқарувчилар уни ҳар уч йилда бир маротаба тасдиқлаши шарт.

62. Тоифа даражасини белгиланган тартибда тасдиқлай олмаган қутқарувчининг тоифа даражаси тегишли аттестация комиссиясининг қарори билан бир даражага пасайтирилади.

63. Тоифа даражасини бериш талабларига касбий номувофиқлигидан далолат берувчи фактлар аниқланганда, шунингдек қуйидаги ҳолатларда ҳам тоифа даражасини бериш ҳуқуқига эга бўлган тегишли аттестация комиссияси томонидан қутқарувчиларнинг тоифа даражаси бекор қилинади ёки пасайтирилади:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



техникадан фойдаланишда уларнинг айби билан авария содир бўлганда;

авария-қутқарув асбобларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари қўпол бузилганда;

қонунийлик бузилганда ёки қўпол интизомий ҳаракат содир этилганда;

аттестация натижалари бўйича қониқарсиз хулосалар чиқарилганда;

текшириш ёки якуний текшириш вақтида махсус, техник ва жисмоний тайёргарлик бўйича қониқарсиз баҳо олганда.

64. Тоифа даражасидан маҳрум этилган ёки тоифа даражаси пасайтирилган қутқарувчилар илгариги даражасини тиклаш учун синовларга улар тоифа даражасидан маҳрум қилинган (пасайтирилган) кундан бошлаб камида олти ой ўтгандан кейин қўйилиши мумкин.

65. «III тоифали қутқарувчи» тоифа даражасини камида бир йил қутқарувчилик иш стажига эга бўлган, махсус дастур бўйича тайёргарликдан ўтган ва аттестация давомида берилган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаган қутқарувчига берилади.

III тоифали қутқарувчи ўз соҳасига мувофиқ қутқариш ишларини олиб бориш кўникмалари ва услубларини мукаммал билиши шарт.

66. «II тоифали қутқарувчи» малакаси III тоифали қутқарувчи малакаси бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлган, махсус дастур бўйича тайёргарликдан ўтган ва аттестация давомида берилган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаган қутқарувчига берилади.

II тоифа қутқарувчи ўз соҳасига мувофиқ қутқарув ишлари кўникмалари ва методларини, шунингдек қутқарувчилик билимларини мукаммал билиши керак.

67. «I тоифа қутқарувчи» малакаси камида икки йил II тоифа қутқарувчи иш стажига эга бўлган, махсус дастур бўйича тайёргарликдан ўтган ва аттестация давомида берилган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаган қутқарувчига берилади.

I тоифали қутқарувчи ўз соҳасига мувофиқ қутқарув ишлари кўникмалари ва услубларини, шунингдек қутқарувчилик билимларини мукаммал билиши, шунингдек қутқарув ишларини амалга оширишда раҳбарлик қила олиши шарт.

68. «Халқаро тоифадаги қутқарувчи» малакаси камида икки йил I тоифали қутқарувчи иш стажига эга бўлган, халқаро қутқарув ишлари ва мусобақаларида қатнашган қутқарувчига берилади.

69. «I тоифали қутқарувчи» даражасини бериш ҳудудий ва идоравий аттестация комиссиялари томонидан, «Халқаро тоифадаги қутқарувчи» даражасини — Идоралараро аттестация комиссияси томонидан берилади.

## X. Қутқарув хизматларини ва қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

70. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини бошланғич (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



ҳаракат қилиш ҳудудининг харитаси;

хизмат кўрсатиладиган объектнинг барча бинолари, иншоотлари, кириш йўллари ва коммуникациялари кўрсатилган режаси;

уларда қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасидан фойдаланиш режалаштирилаётган юқори даражадаги хавфли объектлар, ҳудудларнинг асосий тавсифлари ва башорат қилинаётган фавқулодда вазиятлар турлари;

аттестациядан ўтказилаётган қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаларига бажариш учун иш турларининг рўйхати;

Низом (устав)нинг нусхаси, қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасининг ташкилий-штат тузилмаси, шахсий таркибнинг бутланганлик рўйхати;

қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси қутқарувчиларининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш дафтаридан (реестрдан) кўчирма;

тезкор махсус автотранспортнинг, бошқа техника ва асбоб-анжомларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар;

ўқув-моддий базаси (ўқув синфларининг мавжудлиги, уларнинг жиҳозланганлиги, ўқув шаҳарчасининг схемаси, унинг жойлашган ўрни) тўғрисидаги маълумотлар;

аттестациялар оралиғидаги даврда қутқарувчиларнинг профессионал тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар.

71. Барча моддий мол-мулклар, техника ва ускуналар аттестация комиссияси томонидан уларнинг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўрикдан ўтказилади ва текширилади.

72. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини даврий аттестациядан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

аттестациялар оралиғидаги даврда ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар;

аттестациялар оралиғида қутқарув хизмати, қутқарув тузилмалари томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган, раҳбар шахслар томонидан имзоланган қутқарув ишларини олиб боришни ҳисобга олиш ва юритиш дафтари;

аттестациялар оралиғидаги даврда қутқарувчиларнинг профессионал тайёргарлиги бўйича ҳисобот ҳужжатлари.

## XI. Қутқарувчини аттестациядан ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар

73. Бошланғич (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

тегишли аттестация комиссиясига ариза;

3 х 4 см ўлчамли иккита фотосурат;

қутқарувчининг қутқарувчиларни тайёрлаш махсус дастури бўйича тайёргарликдан ўтганлигини, турли ихтисосларга эгалигини, спорт разрядлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

тиббий текширув (шу жумладан психофизиологик текширув) натижа-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



ларига кўра экстремал шароитларда ишлашга яроқлилиги тўғрисидаги хулоса;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

74. Даврий аттестациядан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

аттестациялар оралиғидаги даврда унинг қутқарув ишларида қатнашганлиги тўғрисида мансабдор шахсларнинг қайдлари ёзилган қутқарувчи гувоҳномаси ва қутқарувчи дафтарчаси;

тегишли аттестация комиссиясига ариза.

75. Қутқарувчини «Халқаро тоифадаги қутқарувчи» тоифа даражасини беришга тавсия этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

аттестациялар оралиғидаги даврда унинг қутқарув ишларида қатнашганлиги тўғрисида мансабдор шахсларнинг қайдлари ёзилган қутқарувчи гувоҳномаси ва қутқарувчи дафтарчаси;

халқаро қутқарув ишларида ва мусобақаларида қатнашганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

тегишли аттестация комиссиясига ариза.

76. Идоралараро аттестация комиссияси аттестациядан ўтиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга, у бу тўғрида идоравий ва ҳудудий аттестация комиссияларини хабардор қилади.

77. Қутқарувчи қутқарув ишларини ўтказиш вақтида қутқарувчи гувоҳномасини ва қутқарувчи дафтарчасини йўқотган тақдирда уларни тиклаш олдинги аттестация материаллари бўйича, бошқа ҳолатларда мазкур ҳужжатларни тиклаш бошланғич аттестациядан ўтказишдаги тартибда амалга оширилади.

78. Олдинги аттестация материаллари қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни даврий аттестациядан ўтказиш вақтида аттестация комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

79. Қутқарувчиларни аттестациядан ўтказишда аттестация комиссияси уни идоравий-меъёрий ҳужжатларга ва низомларга мувофиқ, қутқарувчиларнинг жисмоний сифатларини, профессионал билимлари ва кўникмаларини текширишни таъминлайдиган жойда ўтказиши лозим.

## XII. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби

80. Ҳисоб рўйхати — қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритган ҳолда, қутқарув ишларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномага ҳисоб рўйхати бўйича маълумотларни киритиб, уларга рўйхатга олиш рақамини бериб, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини киритган ҳолда ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш журналида (реестрида) расмий рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

81. Аттестациядан ўтган барча қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари белгиланган тартибда ҳисобга олиш рўйхатидан ўтишлари шарт.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматига, қутқарув тузилмасига қутқарув ишларини олиб бориш учун берилган ҳуқуқ тегишли аттестация комиссияси томонидан ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш амалга оширилгандан кейин кучга киради.

Қутқарув хизматларини ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

82. Қутқарув хизматларини ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш дафтарини (реестрини) юритиш ва ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни қутқарув хизматларининг ва қутқарув тузилмаларининг қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқи берилган гувоҳномага киритиш ФВВ томонидан, жойларда — унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб аталади) томонидан амалга оширилади.

83. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш қутқарув хизматларининг, қутқарув тузилмаларининг сони, жойлашиши, жиҳозланганлиги, комплектланганлиги, уларнинг фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини ўтказишга тайёргарлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари тўғрисидаги бошқа зарур ахборотларни ҳисобга олиш ва тизимлаштириш мақсадида ўтказилади.

84. Қутқарув хизматларини ва қутқарув тузилмаларини янгидан ташкил этаётган ташкилотлар тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаси аттестациядан ўтказилган вақтдан бошлаб 20 кундан кечикмай тақдим этадилар.

85. Аввал рўйхатга олинган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қуйидаги ўзгаришлар бўлганда такрорий ҳисобга олиш рўйхатидан ўтадилар:

бошланғич, даврий ва навбатдан ташқари аттестация ўтказилгандан кейин қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси мақоми ва улар амалга оширадиган ишларнинг турлари;

хизматнинг, тузилманинг номи ёки муассислари (қатнашчилари) ўзгарган тақдирда.

86. Ушбу Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза, у тегишли рўйхатдан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказилгандан кейин, кўриб чиқиш учун қабул қилинган ҳисобланади ва 30 кун мобайнида кўриб чиқилиши керак.

87. Рўйхатдан ўтказувчи орган зарур ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда ёки зарур даражада тўлдирилмаганда қутқарув хизматини ва қутқарув тузилмасини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказишни рад этишга ҳақлидир.

88. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ушбу Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шакл бўйича ёзма тарзда, икки нусхада расмийлаштирилади, улардан биттаси, рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда, қутқарув хизматига ва қутқарув тузилмасига юборилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



89. Уларга нисбатан ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

90. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқи учун қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси гувоҳномасига рўйхатдан ўтказувчи органнинг тегишли мансабдор шахси томонидан ҳисобга олишни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

91. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган материаллар ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш муддати тугагандан кейин беш йил мобайнида сақланади, сўнгра белгиланган тартибда архивга топширилади.

92. Рўйхатдан ўтказилган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотлар тўпланади, таҳлил қилинади ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида маълумотларнинг компьютер базасида ва қоғозли манбада сақланади ҳамда идоравий ахборот ҳисобланади.

93. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш дафтарларини (реестрини) юритиш ушбу Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.

94. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш дафтарлари (реестри) рақамланган, ип ўтказиб тикилган, гербли муҳр қўйилган ва унинг юритилиши учун масъул шахс томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

95. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмаларининг сон жиҳатдан таркиби, жойлашиши, жиҳозланганлиги, жамланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва улар тўғрисидаги бошқа ахборотлар ўзгарган тақдирда ушбу қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари раҳбарлари ўзгартирилган паспортни бир ой муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этишлари шарт. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ҳар йили камида бир марта ушбу маълумотларга аниқликлар киритиши шарт.

## XIII. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

96. Қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

ариза;

ушбу Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шакл бўйича қутқарув хизмати, қутқарув тузилмасининг анкетаси;

аттестация далолатномаси;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



уларни бажариш учун аттестациядан ўтказилган қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси ишлари турларининг рўйхати;

қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказишни ҳисобга олиш дафтаридан кўчирма;

қутқарув хизматининг, қутқарув тузилмасининг (агар юридик шахс ҳисобланса) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

қутқарув хизматининг, қутқарув тузилмасининг паспорти;

мутахассисларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) тўғрисидаги маълумотлар;

қутқарув ишларини бажариш учун қутқарув техникаси, анжомлари, ускуналари, ҳимоя воситалари, нафас олиш органларини ҳимоя қилиш аппаратлари, алоқа воситалари, ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг тайёрлиги, уларнинг техник шартлар ва талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар;

қутқарув техникаси, ускуналари, анжомлари, нафас олиш органларини ҳимоя қилиш аппаратлари ва алоқа воситаларини таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни синаш тўғрисидаги маълумотлар;

қутқарувчиларнинг штатдаги сони тўғрисидаги маълумотлар, қутқарувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозимлари, маълумоти, ихтисослиги, уларни аттестациядан ўтказиш натижалари, хизмат вазифаларини бажаришга яроқлилиги тўғрисидаги тиббий хулоса ва қутқарувчиларнинг гувоҳномалари нусхалари кўрсатилади.

## XIV. Якунловчи қоида

97. Ҳисобга олиш рўйхатидан ўтмаган ва қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлмаган қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини қутқарув ишларини олиб бориш учун жалб этишга йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг Идоралараро аттестация комиссияси ТАРКИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири — Идоралараро аттестация комиссияси раиси

Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари — Идоралараро аттестация комиссияси раисининг ўринбосари

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари — Идоралараро аттестация комиссияси раисининг ўринбосари

Идоралараро аттестация комиссияси аъзолари:

ФВВ Авария-қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг II бошқармаси бошлиғи;

ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси Ҳарбийлаштирилган кон-қутқарув қисми штабининг бошлиғи;

«Ўзкимёсаноат» ДАКнинг режим ва кадрлар бўйича бўлим бошлиғи;

«Ўзбекнефтгаз» МХК Ўзбекистон фонтанга қарши ва газ хавфсизлиги ҳарбийлаштирилган қисмининг бош муҳандиси;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК қидирув ва парвозларнинг авария-қутқарувини таъминлаш хизмати бошлиғи;

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК махсус хизматининг етакчи муҳандиси;

«Дававиаsuccesназорат» инспекциясининг парвозларни қидириш-қутқариш бўйича таъминлаш юзасидан назорат хизмати бўлими бошлиғи;

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг етакчи мутахассиси;

«Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг етакчи мутахассиси;

«Ўздавнефтгазинспекция»нинг махсус ишлар бўйича бош мутахассиси;

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг етакчи муҳандис-технологи.

Изоҳ: Идоралараро аттестация комиссияси раиси Идоралараро аттестация комиссиясининг мавжуд таркибига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Идоравий аттестация комиссиялари тузиладиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати ҳамда уларнинг ҳисобга олиш**
**РАҚАМЛАРИ**

| Т/р | Идоравий аттестация комиссиялари тузиладиган вазирликлар ва идоралар | Идоравий аттестация комиссиясининг ҳисобга олиш рақами* |
|---|---|---|
| 1. | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги | 1.1. |
| 2. | «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси | 1.2. |
| 3. | «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси | 1.3. |
| 4. | «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси | 1.4. |
| 5. | «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси | 1.5. |

* Изоҳлар:

1 рақами аттестация комиссиясининг турини, яъни идоравийлигини ифодалайди, нуқтадан кейинги рақам вазирликни (идорани) ифодалайди, масалан: 1.2-«Саноатгеоконтехназорат» ДИнинг идоравий аттестация комиссияси.

Идоралараро аттестация комиссияси раиси уларда идоравий аттестация комиссиялари ташкил этиладиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг мавжуд рўйхатини тўлдиришга ва уларнинг ҳисобга олиш рақамига ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

## Ҳузурида ҳудудий аттестация комиссиялари тузиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхати ва уларнинг ҳисобга олиш
## РАҚАМЛАРИ

| Т/р | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари | Ҳудудий аттестация комиссиясининг ҳисобга олиш рақами* |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | 2.1. |
| 2. | Андижон вилояти ҳокимлиги | 2.2. |
| 3. | Бухоро вилояти ҳокимлиги | 2.3. |
| 4. | Жиззах вилояти ҳокимлиги | 2.4. |
| 5. | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги | 2.5. |
| 6. | Навоий вилояти ҳокимлиги | 2.6. |
| 7. | Наманган вилояти ҳокимлиги | 2.7. |
| 8. | Самарқанд вилояти ҳокимлиги | 2.8. |
| 9. | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги | 2.9. |
| 10. | Сирдарё вилояти ҳокимлиги | 2.10. |
| 11. | Тошкент вилояти ҳокимлиги | 2.11. |
| 12. | Тошкент шаҳар ҳокимлиги | 2.12. |
| 13. | Фарғона вилояти ҳокимлиги | 2.13. |
| 14. | Хоразм вилояти ҳокимлиги | 2.14. |

* Изоҳ: 2 рақами аттестация комиссиясининг турини, яъни ҳудудийлигини ифодалайди, нуқтадан кейинги рақам маҳаллий давлат ҳокимияти органи кодини ифодалайди, масалан: 2.10-Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий аттестация комиссияси.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Аттестация комиссияси мажлисининг**
## ПРОТОКОЛИ

№ ___

______________________________________________
(аттестация комиссиясининг номи)

20__ йил «___» _______________

Қатнашганлар:
Комиссия раиси: ________________________________
(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари: ________________________________
(Ф.И.Ш.)

______________________________________________

Аттестациядан ўтказилувчи ________________________________
(ушбу мажлисда аттестациядан ўтказиладиганларнинг Ф.И.Ш.)

______________________________________________

1. Эшитилди: ____________________ лавозимига аттестациядан ўтказилаётган ____________________ учун аттестация материаллари
(Ф.И.Ш.)

Аттестациядан ўтказилаётганга саволлар ва уларга жавоблар: __________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

Аттестациядан ўтказилаётганнинг билимларини, жисмоний тайёргарлигини ва фаолиятини баҳолаш: ____________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

Аттестация комиссиясининг қарори: ____________________
______________________________________________

Берилган овозлар: «розилар» ________, «қаршилар» ________, «бетарафлар» ________.

Аттестация комиссияси қарори билан танишдим: ____________
(аттестациядан ўтказилаётганнинг имзоси)

2. Эшитилди: Ҳар бир аттестациядан ўтказилаётган учун аттестация материаллари:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



______________________________________
(Ф.И.Ш.)

Комиссия раиси: ______________________________
(имзоси) фамилияси

Комиссия котиби: ______________________________
(имзоси) фамилияси

Комиссия аъзолари: ______________________________
(имзоси) фамилияси

______________________________
(имзоси) фамилияси

______________________________
(имзоси) фамилияси

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**«Тасдиқлайман»**

______________________ раиси
(аттестация комиссиясининг номи)

______________________________
(имзо, Ф.И.Ш.)

М.Ў. ______________________
(сана)

______________________________________________________________
(аттестацияни ўтказиш учун масъул ташкилотнинг номи)

**Аттестация далолатномаси № ____**

20__ йил «___» ___________ дан 20__ йил «___» ___________гача
______________________________________________________ асосида
(аттестация ўтказиш тўғрисидаги буйруқнинг номи, рақами ва санаси)

қуйидаги таркибдаги:

Комиссия раиси: ______________________________________
(иш жойи, лавозими, Ф.И.Ш.)

______________________________________________________

Комиссия раисининг ўринбосари: ______________________

______________________________________________________
(иш жойи, лавозими, Ф.И.Ш.)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Комиссия аъзолари: ______________________________________________
______________________________________________________________

Комиссия котиби: ________________________________________________
____________________________________________________________ни
______________________________________________________________

(қутқарув тузилмасининг номи)

бошланғич (даврий, навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказди (аттестация тури кўрсатилади).

Аттестацияда қуйидагилар аниқланди (қутқарув тузилмаси ҳолатининг умумий тавсифи; ишларнинг турлари бўйича мақсади; жиҳозланганлик ҳолати; шахсий таркибининг малака тавсифи; жойлашган ўрни; бўлинманинг мобиллиги; ўқув-моддий базасининг ҳолати; аттестациялар оралиғи давридаги фаолиятининг баҳоси кўрсатилади):

______________________________________________________________
______________________________________________________________
______________________________________________________________

Аттестация натижаси: ____________________________________________
______________________________________________________________

Мулоҳазалар: __________________________________________________
______________________________________________________________

Комиссия баён қилинганлар асосида қуйидаги хулосага келди: ________
______________________________________________________________

(қутқарув хизматининг, қутқарув тузилмасининг номи)

қўйилган талабларини қондиради ва фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш учун аттестациядан ўтди: ________________________________________________
______________________________________________________________

(ишларнинг турлари рўйхати)

Комиссия аъзоларининг имзолари:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

## Фавқулодда вазиятларда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари томонидан ўтказиладиган қутқарув ишлари РЎЙХАТИ

1. Фавқулодда вазият зонасини, шу жумладан объектнинг, ҳудуднинг, куч ва воситаларни йўналтириш маршрутларининг радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) ҳолатини разведка қилиш, фавқулодда вазият ҳудуди чегараларини аниқлаш.

2. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари куч ва воситаларини фавқулодда вазият ҳудудига киритиш.

3. Қутқарувчиларни ва юкларни фавқулодда вазият ҳудудига юбориш.

4. Жабрланганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш.

5. Фавқулодда вазият зонасида қидирув-қутқарув ишларини ўтказиш.

6. Жабрланганларни ва моддий бойликларни фавқулодда вазият ҳудудидан эвакуация қилиш.

7. Вайрона остида қолган хоналарга ҳаво юбориш.

8. Фавқулодда вазият ҳудудида бошқарув ва алоқани ташкил этиш.

9. Фавқулодда вазият ҳудудида ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ қутқарув ишларини амалга ошириш.

10. Вайрона уюмларини ажратиш, маршрутларни ва вайрона жойлардаги ўтиш йўлакларини тозалаш, кечиб ўтиш ва дамбалар қурилмасини барпо этиш.

11. Ҳаракатланиш йўлларида ва иш жойларида бинолар, иншоотлар конструкцияларини мустаҳкамлаш ёки шикастланган ва хавф туғдираётган уюмларни йўқотиш.

12. Ёнғинга қарши сув таъминотини таъминлаш учун энергетика ва сув қувурлари тармоқларининг алоҳида қисмларини тиклаш.

13. Фавқулодда вазият ҳудудини ва иш ўринларини қутқарув ишларига тайёрлаш бўйича муҳандислик ва ташкилий ишларни амалга ошириш (майдончаларни тозалаш, майдончаларга техника, тўсиқлар ва огоҳлантириш белгилари ўрнатиш, иш ўринларини ёритиш).

14. Эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпифитотияларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларининг оммавий босишини чегаралаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, қўриқлаш-карантин тадбирларини амалга ошириш.

15. Қутқарув ишларида қатнашувчи шахсий таркибни, аҳолини, ташқи муҳит объектларини радиация ва кимёвий жиҳатдан назорат қилиш.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



16. Фавқулодда вазият ҳудудида дезактивация, дегазация, дезинфекция, дезинсекция, демеркуризация ва дератизация ишларини амалга ошириш.

17. Фавқулодда вазиятларнинг тиббий-санитария оқибатларини бартараф этиш ишлари.

18. Фавқулодда вазият ҳудудидаги коммунал-энергетика тармоқлари аварияларини бартараф этиш.

19. Кон-қутқарув ишларини амалга ошириш (одамларни қутқариш, шикастланганларга ёрдам кўрсатиш, портловчи материаллар ва руда газлари портлаганда, ёнғин чиққанда, газлар тўпланиб қолганда, босиб қолишларда, геодинамик жараёнлар натижасида газ ва кон массаси отилиб чиққанда, сув босганда ҳамда ер ости ва очиқ кон ишларини олиб бориш шароитларидаги бошқа авариялар турларида рўй берган оқибатларни бартараф этиш).

20. Фавқулодда вазият ҳудудида газ-қутқарув ишларини (портлаш, ёнғин содир бўлганда, газ тўлиб қолганда шикастланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича қутқарув ишлари комплексини) амалга ошириш.

21. Гидродинамик аварияларни (тўғонлар, дамбалар, шлюзларни сув ёриб чиққанда) ва хавфли сув босишларини бартараф этиш (чеклаш).

22. Кавланаётган ва фойдаланилаётган қудуқларда очиқ газ ва нефть фонтанларини бартараф этиш.

23. Темир йўл транспортида ва метрополитендаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш (чеклаш).

24. Авиация ҳалокатлари чоғида ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажларини қутқариш.

25. Автомобиль транспортидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш (чеклаш).

26. Қурол-яроғлар, шунингдек радиоактив материалларни ташиш ва сақлаш билан боғлиқ объектлардаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш (чеклаш).

27. Тизимлар, анжомларнинг мустаҳкамлиги бузилишлари, портловчи ва заҳарли маҳсулотларнинг атроф муҳитга тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш (чеклаш).

28. Нефть, нефть маҳсулотлари, кимёвий ва бошқа экология учун хавфли моддаларнинг сизиб чиқиш ички акваторияларини бартараф этиш (чеклаш).

29. Қуруқликда ва ички акваториялардаги денгиз, дарё ва ҳаво кемаларида талофотга учраганларни қидириш ва қутқариш.

30. Аварияга учраган кемаларни қидириш, уларнинг шахсий таркиби фаолиятини сақлаш ва қутқариш, ағдарилган ёки чўккан кемалар ва бошқа объектларнинг сув босган бўлинмаларидаги одамларни қутқариш.

31. Ботиб қолган ёки қирғоқдаги авариялардаги воситаларни чиқариб олиш.

32. Авариялар вақтидаги сув ости-техник ишларни бажариш.

33. Муз кўчкиларини бартараф этиш.

34. Авария ҳолатларидаги чўккан кемаларни, объектларни, техника ва мулкларни чиқариб олиш ишларини амалга ошириш.

35. Қор кўчкилари ва селлар содир бўлган ҳудудда огоҳлантириш ва авария-қутқарув ишларини амалга ошириш.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



36. Аварияга учраган ҳаво кемаларини аэродромнинг учиш йўлагидан эвакуация қилиш.

37. Ўрмон ёнғинларини бартараф этиш ва ўчириш.

38. Фавқулодда вазият ҳудудида портлатиш ишларини амалга ошириш.

Изоҳ: рўйхатда назарда тутилмаган аварияларни чегаралаш ва бартараф этиш ишларининг бошқа турлари амалга оширилиши мумкин.

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

## Қутқарув хизматини, қутқарув тузилмасини бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказишни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

| Рўйхатдан ўтказиш рақами | ҚХ, ҚТ* номи | ҚХ, ҚТ* тури | Ўтказиладиган ишларнинг асосий турлари | ҚХ, ҚТ* муассислари | Манзили, телефони | Аттестация комиссияси қарори | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |

**Ҳисобга олиш дафтарини юритиш тартиби:**

Ушбу дафтарга бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтган қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Дафтарда қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаси тўғрисидаги рўйхатдан ўтказиш маълумотларига киритилган барча ўзгартиришлар қайд этилади.

1-устун. Қутқарув хизматининг, қутқарув тузилмасининг рўйхатдан ўтказиш бўйича тартиб рақами.

2-устун. ҚХ, ҚТ* номи — қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасининг тўлиқ номи.

3-устун. ҚХ, ҚТ* тури — штатдаги, штатдан ташқари ёки жамоат қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаси.

4-устун. Ўтказиладиган ишларнинг асосий турлари — уларга қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси киритиладиган қутқарув ишларининг турлари (Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-иловага мувофиқ рўйхат бўйича).



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



5-устун. ҚХ, ҚТ* муассислари — қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаси муассисларининг тўлиқ номи.

6-устун. Манзили, телефони — қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмасининг почта манзили, бошлиқнинг Ф.И.Ш., навбатчининг ёхуд алоқанинг бошқа турлари бўйича манзиллар телефонлари.

7-устун. Аттестация комиссияси қарори — аттестация далолатномасининг санаси ва рақами, аттестация бўйича қарорнинг матни, бажариладиган ишларнинг (навбатдан ташқари аттестациянинг) тури ўзгарган тақдирда — қутқарув ишларини олиб бориш ҳуқуқига берилган гувоҳноманинг рақами.

8-устун. Изоҳ — ишларга оид қайдлар аниқлаштиришлар ва ҳ. к.

* Изоҳлар: ҚХ — қутқарув хизматлари;
ҚТ — қутқарув тузилмалари.

## Қутқарувчиларни бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказишни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

| Рўйхат-дан ўтказиш рақами | Қутқарувчининг Ф.И.Ш., шахсини тасдиқловчи ҳужжат, турар жойи манзили, телефони | Иш тажрибаси | Маълумоти, махсус тайёргар-лиги | Иш жойи, лавозими | Аттестация комиссияси-нинг қарори | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |

**Ҳисобга олиш дафтарини юритиш тартиби:**

Ушбу дафтарга бошланғич, даврий (навбатдан ташқари) аттестациядан ўтган қутқарувчилар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

1-устун. Рўйхатдан ўтказиш рақами — қутқарувчининг рўйхатдан ўтказилган рақами.

2-устун. Қутқарувчи тўғрисидаги маълумотлар — қутқарувчининг Ф.И.Ш., шахсини тасдиқловчи ҳужжат, турар жойи манзили, телефони.

3-устун. Иш тажрибаси — қутқарувчининг аттестациялар оралиғидаги даврда қутқарув ишларидаги иштироки (ишларнинг сони, жами давом этганлиги, ўзига хос хусусиятлари) тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар бўйича қайд этилади.

4-устун. Маълумоти, махсус тайёргарлиги — аттестациялар оралиғидаги даврда қутқарувчининг профессионал тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар.

5-устун. Иш жойи, лавозими — ташкилотнинг тўлиқ номи ва қутқарувчининг лавозими. Қутқарувчининг қутқарув хизматига, штатдаги, штатдан ташқари ёки жамоат қутқарув тузилмасига мансублиги кўрсатилади.

6-устун. Аттестация комиссиясининг қарори — аттестация комиссияси мажлиси протоколининг санаси ва рақами, аттестация бўйича қарор матни.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



7-устун. Изоҳ — ишларга оид қайдлар, аниқлаштиришлар ва ҳ. к.

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

## Қутқарув хизмати (ҚХ) ва қутқарув тузилмаси (ҚТ)нинг ПАСПОРТИ

______________________________________________

(қутқарув хизмати, қутқарув тузилмасининг тўлиқ номи)

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жавобгарлик зонаси** | | | | | | | |
| **Фойдаланувчи ташкилот** | | | | | | | |
| **Ташкил этилган йили, санаси** | | **Асос** | | | | **Муассис** | |
| | | | | | | | |
| **Жойлашган жойи** | | **Аҳоли пункти** | | | | | |
| | | | | **Почта индекси** | | | |
| **Бошлиқнинг, навбатчининг телефони (факси) E-mail** | | | | | | | |
| **Бинолар (иморатлар) сони** | **Умумий майдони, кв. м** | **Биноларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқи (мулк, ижара ва бошқалар)** | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Шахсий таркиб сони** | | **Аттестациядан ўтказилган қутқарувчилар** | **Класс малакаси** | | | | |
| **штат бўйича** | **рўйхат бўйича** | **жами** | **қутқарувчи** | **III кл.** | **II кл.** | **I кл.** | **халқаро** |
| | | | | | | | |
| **ҚХ, ҚТ охирги аттестациядан ўтказилган йил, сана** | | **Аттестация комиссиясининг номи** | | | **далолатнома рақами, санаси** | | |
| | | | | | | | |

## * I. ҚХ, ҚТнинг гувоҳномага мувофиқ қутқарув ишларини ўтказиш бўйича имконияти:

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Транспортдаги ФВни бартараф этиш:** | | | | | **Ҳудудлардаги қутқарув ишлари:** | | |
| авто | темир йўл | метро | ҳаво | дарё (денгиз) | КТЭЗМ тошиши (ташламалари) | сув босган | радиоактив зарарланган |
| | | | | | | | |
| **Қутқарув ишлари:** | | | | | | | |
| бинолар қулаганда | акваторияда | сув ости-техник | кон-қутқарув-лари | газ қутқарув-лари | ўрмон ёнғинларини ўчириш | муз кўчкиларини йўқотиш | эпизоотиялар, эпифитотиялар зоналарида |
| | | | | | | | |
| **Бошқа турлари** | | | | | | | |
| | | | | | | | |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



## II. Қутқарув ишларини ўтказиш бўйича тайёрлик

| Навбатчилик режими | Кеча-кундуз | ҚХ, ҚТ тўпланиш вақти (дақиқа) | |
|---|---|---|---|
| Навбатчилик сменасидаги қутқарувчилар сони | | ФВ ҳудудига жўнатишга тайёрлик (дақиқа) | |
| Сменада тиббий ходимлар мавжудлиги | | Базадан ташқаридаги ишлаш даври (сутка) | |
| ФВ ҳудудига юбориш учун маҳаллий авиакорхоналар билан шартноманинг мавжудлиги (бор \ йўқ) | | Ўқув-тренировка базасининг мавжудлиги (ижара) | |

## III. Мутахассисларнинг мавжудлиги

| Жами сони | Ғоввос | Авиациядаги қутқарувчи | Портлатувчи | Газдан қутқарувчи | Тиббий ходимлар | Авария-қутқарув анжомини таъмирлаш | Кинолог | Ҳайдовчи | Кон қутқарувчиси | Кон ишчиси | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| ҚХ, ҚТ бошлиғи (Ф.И.Ш.) | | | | шахсий имзо | | | | | | | | |

## IV. Жиҳозланганлик

| Техник воситалар номи | Сони | | Техник воситалар номи | Сони | |
|---|---|---|---|---|---|
| | штат-даги | мав-жуди | | штат-даги | мав-жуди |
| **Автотранспорт** | | | **Муҳандислик техникаси** | | |
| Енгил автомобиллар | | | Кўтариш кранлари | | |
| Юк автомобиллари | | | Тракторлар, бульдозерлар | | |
| Автобуслар | | | Экскаваторлар | | |
| Ёнғин автомобиллари (жиҳозланган \ махсус) | | | **Авария-қутқарув анжомлари** | | |
| Авария-қутқарув машиналари (мотоциклар) | | | Гидравлик анжомлар («Холматро», «Спрут» типидаги ва бошқалар) | | |
| Қорда юрадиганлари | | | Бетоноломлар | | |
| **Сузиш воситалари** | | | Пневмодомкратлар | | |
| Катерлар, моторли қайиқлар | | | Электр арралар | | |
| Осма қайиқлар | | | Бензоарралар | | |
| Қутқарув плотлари | | | Электр қайчилар | | |
| Дамланадиган қайиқлари | | | Электр, газ кавшарлаш анжоми | | |
| Қутқарув жилетлари | | | Бурчак-текислаш машинкалари | | |
| **Алоқа воситалари** | | | Кўчма электростанциялар | | |
| Олиб юриладиган радиостанциялар | | | **Шикастланганларни топиш воситалари** | | |
| Турғун радиостанциялар | | | Оптик-телевизион тизимлар | | |
| Автомобилдаги радиостанциялар | | | Акустик приборлар | | |
| Пейджерлар | | | Электромагнит приборлар | | |
| Йўлдош алоқа тизимлари | | | Қидирувчи итлар | | |
| Кўчма телефонлар | | | Бинокль, кузатув трубаси | | |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



| **Техник воситалар номи** | **Сони** | | **Техник воситалар номи** | **Сони** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **штат-даги** | **мав-жуди** | | **штат-даги** | **мав-жуди** |
| **Ғоввос анжомлари** | | | **Нафас олиш органлари ва терини ҳимоялаш воситалари** | | |
| Гидрокостюмлар, ластлар, маскалар, баллонлар, редукторлар (комплект) | | | Нафас олиш аппаратлари (фильтрловчи / изоляцияловчи) | | |
| Кўчма компрессорлар | | | Противогазлар | | |
| Барокамералар | | | Ҳимоя костюмлари | | |
| **Ҳаво кемаларининг мавжудлиги** | | | **Кимёвий ва радиация назорати приборлари** | | |
| Вертолётлар | | | Кимёвий назорат приборлари | | |
| Самолётлар | | | Дозиметрлар | | |
| **Ҳаво кемаларидаги десантлаш воситалари** | | | **Топиш ва зарарсизлантириш воситалари** | | |
| Парашют-юк тизимлари | | | Металл детекторлар, мина излагичлар | | |
| Парашютлар | | | Миналардан тозалаш комплектлари | | |
| **Тоғ, альпинизм анжомлари** | | | Мина қидирувчи итлар | | |
| Индивидуал тизимлар | | | **Тиббий таъминот** | | |
| Тушириш қурилмаси | | | Дала укладкалари | | |
| Қисгичлар | | | Замбиллар | | |
| Арқонлар (м) | | | **Ҳаёт таъминоти воситалари** | | |
| Лебедкалар | | | Шишириладиган модуллар | | |
| **Ёнғин-техник анжомлари** | | | Палаткалар | | |
| Ёнғин кийимлари ва анжомлари (комплектлари) | | | Ётоқ қоплари | | |
| Ёнғинни ўчириш қўл анжомлари (та) | | | Овқат тайёрлаш анжомлари | | |
| Ўт ўчиргичлар (та) | | | **Бошқа ускуналар ва анжомлар** | | |
| Ёнғин мотопомплари (та) | | | | | |
| Ёнғин қўлқоплари: 51 мм \ 66 мм \ 77 мм (м) | | | | | |
| Қўлда ишлатиладиган ёнғин ўчиргичлар (та) | | | | | |
| Кўпик ҳосил қилувчилар (тн) | | | | | |
| Олов ўчирадиган порошок (тн) | | | | | |

Қутқарув хизмати
(тузилмаси) раҳбари

________________________
(шахсий имзо, мухр)

М.Ў.

________________________
(сана)

* Изоҳлар:

1. Барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилади.

2. I бўлим устунлари қуйидагича тўлдирилади: агар қутқарув хизмати, қутқарув тузилмаси ушбу иш тури учун аттестациядан ўтказилган бўлса «+» белгиси, ўтказилмаган бўлса «–» белгиси қўйилади.

3. IV бўлим бўйича ушбу шаклда кўрсатилмаган маълумотларни «Бошқа ускуналар ва анжомлар» устунига киритишга йўл қўйилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Qutqaruv xizmatlarini, qutqaruv tuzilmalarini va qutqaruvchilarni attestatsiyadan o‘tkazish bo‘yicha idoralararo komissiya
Межведомственная комиссия по аттестации спасательных служб, спасательных формирований и спасателей

**Favqulodda vaziyatlarda qutqaruv ishlarini olib borish huquqiga**
**GUVOHNOMA**
**СВИДЕТЕЛЬСТВО**
**на право ведения спасательных работ в чрезвычайных ситуациях**

**seriya А № 000000**
**серия**

_____ yil «__» ___________ Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami ___________
год Регистрационный номер

Xizmatning (tuzilmaning) nomi ______________________________
Наименование службы (формирования)
_____________________________________________________

Xizmatning (tuzilmaning) maqomi ____________________________
Статус службы (формирования)

Amalga oshiriladigan ishlarning asosiy turlari __________________
Основные виды проводимых работ
_____________________________________________________

Tuzilma (xizmat)ning muassislari ____________________________
Учредители формирования (службы)

Manzili ______________________________________________
Адрес

Asos ________________________________________________
Основание

**Attestatsiya komissiyasining raisi**
**Председатель аттестационной комиссии**

**Attestatsiya komissiyasining kotibi**
**Секретарь аттестационной комиссии**

М.О‘.
М.П.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

| 1 | 2 |
|---|---|
| **O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUTQARUVCHISI**<br><br>**СПАСАТЕЛЬ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**<br><br>**RESCUE OFFICER**<br><br>**GUVOHNOMA № _______**<br>**УДОСТОВЕРЕНИЕ**<br><br>______________________<br>(F.I.O`.)<br><br>______________________<br>(Ф.И.О.)<br><br>**BARCHA DAVLAT BOSHQARUVI ORGANLARIGA, MAHALLIY DAVLAT HOKIMIYATI ORGANLARIGA, TASHKILOTLARGA VA FUQAROLARGA KO`MAKLASHISH!**<br>**ВСЕМ ОРГАНАМ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ, ОРГАНАМ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ, ОРГАНИЗАЦИЯМ И ГРАЖДАНАМ ОКАЗЫВАТЬ СОДЕЙСТВИЕ!**<br><br>Berilgan ______________________<br>Выдано<br>______________________<br>(imzo) (подпись)<br><br>Berilgan sanasi 20 ___ yil «___» ____________<br>Дата выдачи год<br><br>Surati<br>Фото<br><br>______________________<br>(shaxsiy imzosi) (личная подпись)<br><br>M.O`.<br>М.П. | Shaxsiy № ______________________<br>Личный № (agar mavjud bo`lsa) (если такой имеется)<br><br>Tug`ilgan sanasi ______________________<br>Дата рождения<br><br>Bo`yi ______________________<br>Рост<br><br>Ko`zi ______________________<br>Глаза<br><br>Sochi ______________________<br>Волосы<br><br>Qon guruhi ______________________<br>Группа крови<br><br>Boshqa alohida belgilari va ma'lumotlari ____________<br>Другие особые приметы и данные<br>______________________<br>______________________<br>______________________<br><br>Qurolning mavjudligi ______________________<br>Наличие оружия<br><br>**USHBU GUVOHNOMA EGASI 1949 YIL 12 AVGUSTDAGI JENEVA KONVENTSIYALARI HAMDA 1949 YIL 12 AVGUSTDAGI JENEVA KONVENTSIYALARIGA QO`SHIMCHA PROTOKOL (PROTOKOL 1) BILAN HIMOYA QILINADI**<br><br>**ВЛАДЕЛЕЦ НАСТОЯЩЕГО УДОСТОВЕРЕНИЯ НАХОДИТСЯ ПОД ЗАЩИТОЙ ЖЕНЕВСКИХ КОНВЕНЦИЙ ОТ 12 АВГУСТА 1949 ГОДА И ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ПРОТОКОЛА К ЖЕНЕВСКИМ КОНВЕНЦИЯМ ОТ 12 АВГУСТА 1949 ГОДА (ПРОТОКОЛ 1)**<br><br>M.O`.<br>М.П. |

Изоҳ: фони — ҳаворанг (1); тўқсариқ (2).



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

## Қутқарувчининг дафтарчаси тўғрисида НИЗОМ

1. Қутқарувчининг дафтарчаси қутқарувчининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларидаги иштирокини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

2. Қутқарувчининг дафтарчаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг ўрнини босмайди ва кўрсатилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

3. Қутқарувчининг дафтарчаси 90 х 120 мм ҳажмида бўлади.

4. Қутқарувчининг дафтарчасини тайёрлаш қутқарув хизматлари, штатдаги, штатда бўлмаган ва жамоат қутқарув тузилмалари қутқарувчилари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

5. Қутқарувчининг дафтарчаси унга қутқарувчи мақоми бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, тегишли аттестация комиссиясининг қутқарувчиларнинг рўйхатдан ўтказиш дафтарига имзо қўйдириб, қутқарувчининг рўйхатдан ўтказилган рақамини берган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига идоравий ёки ҳудудий аттестация комиссияси томонидан берилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



*Қутқарувчи дафтарчасининг муқоваси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

(ўртада — Ўзбекистон Республикаси герби)

1-бет

## ҚУТҚАРУВЧИНИНГ ДАФТАРЧАСИ

**ҳар томонлама кўмаклашилсин!**

Ушбуни кўрсатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ишларни бажариш жойига боришда авиация, темир йўл, автомобиль, дарё ва денгиз транспортида юриш учун чипталарни навбатсиз сотиб олиш (Ўзбекистон Республикасининг «Қутқарув хизмати ва қутқарувчининг мақоми тўғрисида» 2008 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–195-сонли Қонунининг 22-моддаси);

табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар зонасига монеликсиз кириш;

радиовоситалар ва дори-дармонлардан фойдаланиш.

Асос:

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

Лавозими ______________________________

Имзоси ____________________ Сана ____________________

М.Ў.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



2-бет

ҚУТҚАРУВЧИНИНГ ДАФТАРЧАСИ

серия ________ № ____

______________________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми)
______________________________________________

Қутқарувчи ҳисобланади

Сурат
3 х 4

М.Ў.

1. Туғилган йили, ойи, куни ва жойи: ______________________
______________________________________________

2. Шахсий имзоси: ______________________________

3. Бошланғич аттестациядан ўтганлиги

Комиссиянинг номи ______________________________

________________ ________________
(имзо) (сана)

4. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: ______________________
(тури)

серия ______________ № ______________________
______________________________________________
(ким томонидан берилган)
______________________________________________



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga



3-бет

5. Қуйидаги ихтисосликларга эга: ______________________

______________________________________________________

